

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙСИ СОҲАЛАРГА КЎПРОҚ ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИЛМОҚДА?



Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун 2026 йил январь-июнь ойларида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилган.

338,9
трлн сўм

2026 йил январь-июнь ойларида асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилган.



Бу кўрсаткич 2025 йилнинг мос давrigа нисбатан
17,5%
га ошган.



Манба: Миллий статистика қўмитаси

ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ:



Ишлаб чиқариш саноати —
100,5 трлн сўм



Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги —
32,9 трлн сўм



Қурилиш —
32,5 трлн сўм



Электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво —
29,9 трлн сўм



Тураржой қурилишига инвестициялар —
27,3 трлн сўм



Тоғ-кон саноати —
21,8 трлн сўм



Ташиш ва сақлаш —
16,3 трлн сўм




Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш —
13,7 трлн сўм



Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш —
7,4 трлн сўм



Таълим —
7,2 трлн сўм



Ахборот ва алоқа —
5,8 трлн сўм



Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар —
5,6 трлн сўм



Касбий, илмий ва техник фаолият —
4,6 трлн сўм



Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш —
4,6 трлн сўм



Молия ва сўғурта фаолияти —
2,4 трлн сўм



Санъат, кўнғил очиш ва дам олиш —
2,0 трлн сўм



Бошқа фаолият турлари —
24,4 трлн сўм

Миннатдорлик

ҲАЁТИМГА НУР КИРДИ

Агар аёл кишига имконият берилса, у нафақат оиласини, балки маҳалладошларини ҳам иш билан таъминлай олишига ўз ҳаётим мисолида амин бўлиб турибман. Бундан уч йил олдинги ҳолатим ва бугун эришган ютуқларимни сарҳисоб қилар эканман, қалбимда давлатимизга ва Президентимизга бўлган чексиз миннатдорлик туйғуларни жўш уради.

Хаммаси 2024 йилда ишсизлигим сабабли «Аёллар дафтари»нинг 1-тоифасига киритилганимдан кейин бошланди. Ушанда менга субсидия асосида иккита тикув машинаси берилганди. Шу кичик кўмак оиламиз учун катта умид чироғи бўлди. Келинларим билан биргаликда уйда миллий адрас кийимлар тикиш, уларга аппликациялар қадашни йўлга қўйдик. Меҳнатимиз зое кетмади, секин-аста буюртмачиларимиз кўпая бошлади.

2025 йили бизга «Аёллар дафтари»нинг навбатдаги босқичида енгил конструкцияли тикувчилик цехи очиб берилди. Шу тариқа кичик ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. 2026 йилда эса шу тизим асосида менга 100 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағ эвазига кўшимча замонавий тикув машиналари сотиб олдим ва расман якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ) сифатида фаолиятимни кенгайттирдим. Натижада 12 нафар хотин-қизни донимий иш

билан таъминладим. Уларнинг 5 нафари худди мен каби вақтида суянчиққа муҳтож бўлиб, «Аёллар дафтари»га киритилган аёллардир.

Ҳозирги кунда биз тикаётган миллий кийимлар ва аппликациялар Бухородаги сайёҳлик дўконларига ҳамда республикамизнинг бошқа бозорларига етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, кўрпа-тагўшак жилдлари жамланмалари ҳам ишлаб чиқаряпмиз.

Албатта, бу билан тўхтаб қолмоқчи эмасман. Келажакда замонавий машиналар сотиб олиб, фаолиятимни кенгайтириш ва кўпроқ хотин-қизларни иш билан таъминлаш ниятидаман.

Очиғи, «Аёллар дафтари» орқали менга кўрсатилган тизимли ёрдамсиз бундай муваффақиятга эришолмасдим. Аёлларни ёъозлаган, унинг меҳнатини қадрлаган, қийналганида елкадош бўлган мутасаддиларга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Олия ШУКУРОВА
Бухоро вилояти

**ХОДИМ ЁЛЛАГАН
ТАДБИРКОР
НИМАЛАРНИ
БИЛИШИ КЕРАК?**

Батафсил
маълумот
олиш учун
«Ishonch»нинг
Telegram
каналига
ўтинг:



ЁЗНИНГ ОХИРИДА ЎРИК ПИШАДИГАН МЎЪЖИЗАКОР ТАБИАТ – БОЙСУН ТУМАНИ ЮҚОРИ МАЧАЙ ҚИШЛОҒИ

Юртимизнинг энг қўшли ва иссиқ ҳудуди бўлган Сурхондарёда ўрик асосан баҳор охири ва ёз фасли бошларида пишиб етилади. Ажабки, воҳамизнинг тоғли ҳудуди бўлган Бойсун туманидаги Юқори Мачай қишлоғида ёзнинг охирига келиб ўриклар пишиб етилмоқда.

Чори ЖУМАҚУЛОВ фотолаҳаси



«Аёллар дафтари» саҳифаларидан

МАЗМУН-МОҲИЯТИ ЎЗГАРГАН БОСҚИЧ

«Аёллар дафтари» шунчаки юритилмайди. Бу рўйхатга тасодифан кириб қолганлар ҳам бўлмайди. Хотин-қизлар муаммолари синчиклаб ўрганилиб, ҳар бирининг эҳтиёжига мос йўл хариталари белгиланади. Эрта баҳордан бошланган ўрганишлар якунига етиб, амалий ишлар бошланганига ҳам анча вақт бўлди. Хусусан, Самарқанд вилоятида «дафтар»нинг еттинчи босқичи доирасида 105 минг нафар хотин-қиз камровга олинган эди. Шу кунга қадар уларнинг 44 325 нафарига амалий кўмак кўрсатилди. Шунингдек, қарийб 35 минг нафар ишсиз аёлнинг бандлигини таъминлаш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

– Тизим амалиётга жорий этилган дастлабки босқичларда аксарият аёлларимиз кўмакни моддий ёрдам шаклида олишни афзал қўрар эди, – дейди вилоят штаби аъзоси Феруз Раззоқов. – Мана, олти йил давомида олиб борилган ишлар натижасида хотин-қизларимизнинг дунёқарашига сезиларли ўзгаришлар юз берди. Энди рўйхатга киритилганларнинг аксарияти давлат томонидан кўрсатилган ёрдамдан самарали фойдаланишга интиломоқда.

Дарҳақиқат, тадбирлар режаси билан таъминланган аёллар сони сезиларли даражада ошганига гувоҳ бўлдик. Бугун хотин-қизлар нафақат тикувчилик ва пазандачилик йўналишларида, балки иқтисодийнинг турли тармоқларида ҳам ўз ўрнини топишга ҳаракат қилмоқда. «Аёллар дафтари» доирасида ажратилган имтиёзли кредитлардан фойдаланганлар орасида компьютер хизматлари, лимончилик, балиқчилик, иссиқхона хўжалиги, қўчат

етиштириш, асаларичилик каби ўнлаб соҳаларда фаолият бошлаш истагида бўлганлар сони ортиб бормоқда.

Вилоятда ана шундай улкан мақсадларни қўзлаган 2 844 нафардан ортиқ аёлга имконият яратилмоқда. Шу кунга қадар уларнинг 1 322 нафарига ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун «Халқ банки» томонидан имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, саломатлигида муаммоси бўлган 8 371 нафар хотин-қизга даволашни имконияти яратилди, уларнинг 119 нафарига бепул жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Эҳтиёжманд 157 нафар аёлнинг хонадонлари таъмирланди, 72 нафарига эса ижара тўловини қоплаш учун компенсация ажратилди. Босқич доирасида режалаштирилган барча харажатлар «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Ўзбекистон касаб
ушмалари
Федерациясида
куну тун
фаолият
кўрсатадиган

12 11

рақамли

«Ишонч телефони»,
яъни «Call-center»га
мамлакатимизнинг
турли ҳудудларида,
олис ва чекка
қишлоқларида
яшаётган
хотин-қизлар
ўз муаммолари
бўйича исталган
вақтда мурожаат
қилишлари
мумкин.



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШ-МАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТОШ-КЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДА «МЕХНАТ СОҲАСИДАГИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛА-ЛАР» МАВЗУСИДА ЖАМОАТЧИ-ЛИК ЭШИТУВИ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МАРКАЗИЙ БАНК, МОЛИЯ, АДЛИЯ, МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ, СОҒ-ЛИҚНИ САҚЛАШ, МАҲАЛЛАЛАР УЮШМАСИ БОШҚАРМАЛАРИ МАСЪУЛЛАРИ, КАСАБА УЮШ-МАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТА-ЛАРИ ХОДИМЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИЛАР.



**Агар тузлук ўлса кишининг иши,
Не васф айлай олғай ишини киши.
Алишер Навоий**

МЕХНАТ ҲУҚУҚЛАРИ: МУАММО, МАСЪУЛИЯТ ВА ЕЧИМ

Тадбир аввалида кенгаш раиси Сайёра Файзиева ҳудудда меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларда уч-раётган меҳнат қонунчилиги бузилиши ҳолатлари, бажарилиши лозим бўлган талаблар, соҳада эришилаётган натижалар ва мавжуд камчиликларга тўхталиб ўтди. Жамоатчилик эшитувида меҳнат соҳасидаги масалаларга

турли идоралар масъуллари нуктаи назаридан ҳам ёндашилди. Молия ҳамда Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик бошқармалари масъуллари бюджет ташкилотларида иш ҳақи, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат муҳофазаси тадбирларини молиялаштириш, шунингдек, меҳнат соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ҳақида маълумот бердилар. Муҳокамалар давомида мавжуд муаммоларнинг сабаблари, уларни бартараф этиш йўллари ва келгусида қўриладиган чора-тадбирлар

Тадбир
хусусида аниқ рақамлар ва амалий мисоллар келтирилди.

Очиқ мулоқот тарзида бўлиб ўтган тадбирда касаба уюшмалари тармоқлари раислари ва бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари раислари ҳам фаол иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга масъуллардан жавоб олишди.

Тадбир якунида кенгаш томонидан ўтказилган «Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси» кўрик-танловининг вилоят bosқичида ғолиб бўлган 15 нафар иштирокчи тақдирланди. Танловда биринчи ўринни қўлга киритган жамоалар энди республика bosқичида иштирок этади.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ – АМАЛДАГИ НАТИЖАЛАРДА

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш, ижтимоий кафолатларни таъминлаш касаба уюшмалари фаолиятининг асосий мезонларидандир. Айниқса, мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлган агросаноат мажмуида меҳнат қилаётган миллионлаб юртдошларимиз манфаатларини ҳимоялаш тизими ва самарали ёндашувни талаб этади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимида бугун ана шу мақсад йўлида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Касаба уюшмаси томонидан 13 та вазирлик ва идора билан тармоқ жамоа келишувлари, уларнинг 192 та ҳудудий бўлинмаси билан ҳудудий жамоа келишувлари ҳамда 4762 та бошланғич касаба уюшма ташкилотида жамоа шартномаси тузилган. Бу ҳужжатларга бош жамоа келишувидан келиб чиқиб, тегишли қўшимча ва ўзгартiriшлар киритилди.

Айни пайтда тармоқ касаба уюшмаси аъзолари сони 1 миллион 744 минг 235 нафарни ташкил этмоқда. 2026 йилнинг ўтган олти ойида уларнинг сафи қарийб 26 минг нафарга кенгайди. Бу тизимдаги ишлар қамрови тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, саломатлиқни асраш ҳамда муносиб меҳнат шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Амалий натижалардан бири иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик сезиларли даражада камайганидир. Шунингдек, жамоа шартномалари орқали бир нафар ходимга ўртача сарфланган маблағ миқдори 2026 йил 1 январь ҳола-

тига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробарга ошди. Аграр соҳага замонавий техника ва илғор технологияларнинг кенг жорий этилиши меҳнат муҳофазасига талабни янада қучайтирмоқда. Шу мақсадда Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирликлари билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, ходим ва фаоллар учун ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 32 та ташкилотнинг илғор тажрибалари оммалаштирилди. 1678 та корхона, ташкилот ва муассасанинг меҳнат муҳофазаси бора-сидаги фаолияти ўрганилиб, амалий-услубий ёрдам кўрсатилди. 1354 та корхона ва ташкилотда меҳнат муҳофазаси хоналари ташкил қилиниб, зарур воситалар билан жиҳозланди. Натижада ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар сони 2026 йилнинг би-

ринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,75 баробарга камайди.

Меҳнаткашларнинг мурожаатлари билан ишлашда ҳам самарали натижалар қайд этилмоқда. Ўтган олти ойда жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 4497 та мурожаатнинг 3501

таси, яъни 78 фоизи ижобий ҳал этилди. 903 та мурожаат юзасидан тушунтиришлар берилди, 47 таси эса тегишлилиги бўйича бошқа органларга юборилди. Республика кенгаши раҳбарияти томонидан 16 марта сайёр қабул ўтказилди.

Кўйи бўғинлар фаолиятини кучайтириш ҳам устувор вазифалардан ҳисобланади. Шу боис «Янги Ўзбекистон – янги касаба уюшмалари» шиори остида амалга оширилаётган ишлар доирасида 1738 та ҳудудда фермер хўжаликларининг бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари тузилиб, уларга 77 минг 446 та фермер хўжалиги бирлаштирилди. 152 та туман кенгашига амалий-услубий ёрдам кўрсатилиб, 1624 та бошланғич ташкилот фаолияти ўрганилди. Тизимда ҳар ойлик ўқув-семинарлар ва тажриба алмашиш ишлари йўлга қўйилди. Натижада 73 та туман кенгаши асосий кўрсаткичлар бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3-2,1 баробар ўсишга эришди.

Ходимлар малакасини ошириш мақсадида жорий йил январь ойида Тошкент давлат аграр университетидида ўтказилган ўқув-семинарда 182 нафар ходим иштирок этди. Май ойида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фермер хўжалиklarининг бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари учун ташкил этилган семинарларда эса 1738 нафар фаол малакасини оширди.

Касаба уюшмаси аъзоларининг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, уларни туризм ва спортга жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Йилнинг биринчи ярмида 392 минг 405 нафар меҳнаткаш маданий-маърифий тадбирлар, саёҳатлар ва спорт мусобақаларида иштирок

этди. Жумладан, 65 минг 600 нафари театрларга, 72 минг 900 нафари музей ва зиёратгоҳларга борди, 79 минг 200 нафарининг ички туризм масканларига саёҳати ташкил этилди. Турли спорт мусобақаларида 69 минг 300 нафар меҳнаткаш қатнашди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган 560 нафар меҳнат фахрийси ва нурунийнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга ташаккурнома ва совға-

лар топширилди. Тармоқ касаба уюшмаси халқроқ ҳамкорлиқни кенгайтиришга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши ва Қирғизистон ўрмон хўжалиги, экология ва туризм ходимлари касаба уюшмаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланиб, илғор тажрибалар алмашинуви ва келгусидаги қўшма ишлар бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Эришилаётган натижалар касаба уюшмаси тизимида иш самарадорлиги ва масъулият тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Зеро, уюшманинг асосий вазифаси меҳнаткашларнинг ишончини қозониш ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларини амалда ҳимоя қилишдан иборатдир. Шу боис биз ҳар бир ходимнинг дардига қулоқ тутишга, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва муносиб меҳнат шароитлари яратиб беришга ҳаракат қиламиз.

Ҳусан БЕГМАТОВ,
*Агросаноат мажмуи ходимлари
касаба уюшмаси Республика кенгаши
раиси ўринбосари*

Жараён

Бугун рақамли технологиялар ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб бормоқда. Қоғозбозлик, бюрократик тўсиқлар ва узундан-уzun ҳисоботлар ўрнини тезкор, аниқ ҳамда ишончли маълумотлар эгалламоқда. Бу каби ижобий ўзгаришлар меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутадиган касаба уюшмалари тизимида ҳам ёрқин ифодасини топмоқда.

БАРЧА МАЪЛУМОТЛАР ЯГОНА ТИЗИМДА ЖАМЛАНДИ

«Касаба КИАТ» комплекс интеграллашган ахборот тизими ана шундай замонавий ечимлардан бири бўлиб, Бухорода касаба уюшмалари фаолиятини мутлақо янги bosқичга олиб чиқди. У вилоятдаги барча бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг фаолияти, асосий ҳужжатлари ва статистик маълумотларини ягона, ишончли электрон базада жамлади.

Аваллари муайян корхона ёки ташкилотдаги ходимлар сони, меҳнат шароитлари, жамоа шартномалари ёки ижтимоий кафолатлар ҳақидаги маълумотларни йиғиш учун кунлаб, баъзан ҳафталаб вақт талаб этиларди. Ҳужжатларни қидириш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун қўшимча меҳнат ҳамда вақт сарфланарди.

Бугун барча маълумотлар бир тизимда мужжасам. Бу ҳар бир бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг раҳбари, алоқа маълумотлари, корхонанинг манзили, ходимлар сони, жамоа шартномаси доирасида амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя чоралари ҳамда меҳнат муҳофазасига йўналтирилаётган маблағлар ҳақидаги маълумотларни тезкор қўздан кечириш имконини яратади.

Айни пайтда вилоят бўйича 2751 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти «Касаба КИАТ» тизимига тўлиқ интеграция қилинган. Платформада 514 260 нафар касаба уюшмаси аъзоси ҳамда 5122 та цех ва таркибий ташкилот ҳақидаги маълумотлар шакллантирилган. Шунингдек, барча жамоа шартномалари рақамлаштирилиб, электрон архивга жойлаштирилган. Бу керакли ҳужжатни бир зумда топишда қўл келади.

Тизимнинг энг муҳим афзалликларида бири, маълумотларни реал вақт режимида таҳлил қилишдир. Илгари жамоа шартномалари ижроси, меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий тадбирларга ажратилаётган маблағлар ҳақидаги маълумотлар ҳар бир бошланғич ташкилотдан алоҳида йиғилиб, тармоқ касаба уюшмалари томонидан умумлаштирилар, бу жараён кўп вақт ва катта меҳнат сарфлашга сабаб бўларди.

Ҳозир барча маълумотлар тизимда автоматик равишда шаклланади. Масъул мутахассислар ҳар бир ташкилот kesимида таҳлил олиб боради. Натижада иш самарадорлиги сезиларли даражада ошди, ортиқча қоғозбозлик қисқарди.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, ишчи-ходимлардан келиб тушган ариза ва мурожаатларни кўриб чиқиш жараёни ҳам анча соддалашди. Илгари мурожаатга ҳуқуқий баҳо бериш учун тегишли корхонанинг жамоа шартномасини алоҳида сўраб олиш ва ўрганиш талаб этиларди. Энди «Касаба КИАТ» орқали исталган ташкилотнинг жамоа шартномасини кўриш, вазиятни таҳлил қилиш ва мурожаатга тезкор ечим топиш мумкин.

Келгусида мазкур тизим асосида электрон ҳужжат алмашинувини тўлиқ йўлга қўйиш, ижро интизомини янада қучайтириш ҳамда бошқарув самарадорлигини ошириш режалаштирилган.

«Касаба КИАТ» бугунги кунда нафақат ахборот тизими, балки меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда очиқлик, шаффофлик ва рақамли бошқарувини таъминловчи замонавий механизм сифатида ўз самарасини намоён этмоқда. Энг муҳими, мазкур платформа Бухоро вилоятидаги ярим миллиондан ортиқ касаба уюшмаси аъзосининг манфаатлари ишончли, тезкор ва самарали ҳимояланишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Отабек ФАРМОНОВ,
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг
Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси*

ҲАҚНИНГ ЙЎЛИ УЗОҚ БЎЛСА-ДА, МАНЗИЛИ – АДОЛАТ

Бу даргоҳда телефон туну кун тинмай жиринглайди. Манзил айтилиши биланок тез тиббий ёрдам машинаси йўлга чиқади. Шу ондан кимнингдир ҳаёт-мамоти учун кураш бошланади.

Наманган вилояти тез тиббий ёрдам тизимида ишлайдиган реанимация бригадаси фельдшерлари ҳар кун ана шундай масъулиятли вазифани виждонан бажариб келишмоқда. Аммо уларнинг оғир ва хавфли меҳнатлари ҳар доим ҳам рисоладагидек қадрланмаяпти. Аниқроғи, уларнинг иш ҳақи тўловлари қонунда белгиланган тартибда амалга оширилмаяпти.

Саккиз нафар тиббиёт ходими Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгашига айни шу масала юзасидан мурожаат қилишди. Маълум бўлишича, ходимларга 2022 йил 1 ноябрдан буён устама пуллари тўланмаган.

Шикоят асосида касаба уюшмаси тегишли тартибда судга даъво ариза киритди. Суд мажлисида сўз олган фельдшерлар туну кун навбатчиликда ишлашини, тез тиббий ёрдам машинасида чакирувларга боришини, оғир ва ҳаёт учун хавфли ҳолатдаги беморларга биринчи ёрдам кўрсатишини таъкидлашди.

Конституциянинг 42-моддаси ҳар кимнинг муносиб меҳнат қилиш ва меҳнати учун адолатли ҳақ олиш ҳуқуқини кафолатлайди. Тиббиёт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда қўшимча тўловлар ва устамалар ҳукумат томонидан белгиланган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-қарорида соғлиқ учун ўта хавфли ва меҳнат шароитлари



ўта оғир бўлган муассаса, бўлинма ва лавозимлар учун 25 фоизлик устама тўлаш назарда тутилган. Ҳужжатнинг 3.7-бандида анестезиология-реанимация, реанимация ва интенсив терапия бўлимларидаги врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари лавозим маошига 25 фоиз устама олиш ҳуқуқига эга экани қайд этилган.

Суд мана шу жиҳатларни

инобатга олиб, ходимлар фойдасига қарор чиқарди. Унга кўра, саккиз нафар ходимга жами 134 миллион сўмдан ортиқ устама пули ундириб бериладиган бўлди. Шунингдек, иш берувчи зиммасига тегишли ходимларга устамани келгусида ҳам тўлаб бориш мажбурияти юклатилди.

– Фельдшерлар ҳамиша инсон ҳаётини сақлаб қолиш

учун курашадилар, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори Абдурашид Ражапов. – Шунинг учун уларнинг меҳнати қадрланиши, муносиб рағбатлантирилиши зарур.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Касаба уюшмаси аралашгач...

Биз ўз ҳаётимизни ўзгартирмоқчи бўлсак, аввало, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини тан олишни ўрганишимиз керак.

Маҳмудхўжа Бехбудий

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТИ

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ



Акмал САЙДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий
маркази директори, академик

Мустақиллик – бу, аввало, ҳуқуқ. Мустақиллик инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омилidir. Истиқлол йиллари Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими айнан мамлакатимизда халқаро андозалар ва илгор хорижий тажриба асосида ташкил этилди ва сўнгги 10 йилда уларнинг фаолияти доимий равишда такомиллаштириб боришмоқда.

Ўзбекистон Президенти «Янги таҳрирдаги Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик, тенглик ва тараққиёт тамойилларига асосланган ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриш йўллари кенг очиб берди», деб таъкидлагани замирида гоёт улуғвор ҳақиқатлар мужассам. Агар дунё мамлакатлари конституцияларида инсоннинг 110 дан ортиқ ҳуқуқи қайд этилган бўлса, бу ҳуқуқларнинг 90 таси эндиликда мамлакатимизнинг Асосий қонунда мавжуд ва шу ҳуқуқлардан 40 таси янги конституциявий ҳуқуқлардир.

2023 йил 30 апрель куни бўлиб ўтган референдумда умумхалқ овоз бериш йўли билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига биноан: «Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонуларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди».

Бинобарин, Конституциямизнинг 56-моддасида қайд этилганидек, «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдирати, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ва инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга қўмаклашади. Давлат инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратди».

Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмени), Президент ҳузуридаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази қиради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий модернизация жараёнларининг марказида инсон қадр, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш гоёси устувор аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Айниқса, кейинги йилларда Миллий марказнинг бу борадаги мувофиқлаштирувчи фаолияти доираси янада кенгайди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бошқармаси экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган ва 2020 йилда тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси – бу соҳадаги илк ҳужжат бўлиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этди. Ушбу дастурий ҳужжат бўйича тегишли «Йўл харитаси» ижросининг назорати билан бевосита Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази шуғулланди.

Миллий стратегияда белгиланган вазифаларни бажариш доирасида болалар, ёшлар, аёллар, ногиронлиги бор шахслар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилди. Шунингдек, қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмнинг қонунчилик асослари яратилди, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати бартараф этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон БМТнинг устав ва шартномавий органлари тавсияларини ижро этишнинг тизимли механизмининг яратди. Натижада давлат органларининг ҳисобдорлиги оширилиб, халқаро ташкилотлар билан доимий мулоқот ва мониторинг тизими мустаҳкамланди, бу эса мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини сифатли бажаришга хизмат қилмоқда.

Ўз навбатида, Президентимизнинг 2026 йил 16 февралдаги Фармони билан «Ўзе-

бекистон – 2030» стратегияси доирасида жорий йилда ишлаб чиқиладиган стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳалари рўйхати тасдиқланди. Ушбу рўйхатда «Инсон ҳуқуқлари – 2030» стратегиясини тасдиқлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилди.

Шу асосда Миллий марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари – 2030» стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди. Фармон лойиҳасига кўра, шахс кадр-қиммати, турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишнинг энг муҳим ва зарурий шарти сифатида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича изчил олиб борилаётган давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилмоқда.

Ҳозирги кунда Инсон ҳуқуқлари бўйича V Самарқанд форумига қизгин тайёргарлик қўришмоқда. Ушбу халқаро тадбир БМТнинг 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган иккита тарихий ҳужжати – Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг 60 йиллигига, шунингдек, Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларация қабул қилинганлигининг 40 йиллигига ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 30 йиллигига бағишланиши кўзда тутилмоқда.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ: МИЛЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ҲАМКОРЛИК

Миллий марказ Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро алоқаларини, миллий маърузалар тайёрлашни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиқни кенгайтиришни таъминловчи мувофиқлаштирувчи давлат органи ҳисобланади.

Миллий марказ фаолиятида инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларни маслаҳат-эксперт жиҳатдан қўллаб-қувватлаш катта ўрин тутди. Ушбу фаолиятда ташқи ишлар, адлия, ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси каби давлат ташкилотлари Миллий марказнинг етакчи шериклари ҳисобланади.

Миллий марказ ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари биргаликда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг долзарб жиҳатларига бағишланган ахборот-маърифий тадбирларни ташкил этмоқда.

Инсон кадр-қиммати эъзозлаш, адолатни қарор топтириш масаласи кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда устувор аҳамиятга эга бўлган вазифага айланди. Шу нуқтаи назардан, бу борадаги ишларни бевосита назорат қиладиган, тартибга соладиган, ўрганадиган ва бошқа давлат органларидан мутлақо мустақил бўлган Миллий марказ ўз ишини янгича услубда йўлга қўйди.

Миллий марказ ўзининг ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади. Миллий марказ давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, таълим, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларимизни бажариш масалалари бўйича қўмаклашади.

Миллий марказ ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиб кел-

моқда. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўмита ва комиссияларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларимизни бажариш бўйича миллий маърузалар лойиҳалари муҳокамаларини ўтказиш йўлга қўйилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича миллий маърузалар ҳамда БМТнинг устав ва шартномавий органларида қўриб чиқиш яқунларини парламентда эшитиш амалиёти жорий этилди.

Кейинги даврда Миллий марказнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш қўлами янада кенгайди. Ҳатто Миллий марказ фаолиятига Олий суд Пленуми қарорларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган бўлса, 2021-2023 йилларга сайланди.

Тахлилларимизга кўра, Миллий марказ томонидан 2025 йилда 84 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат экспертизадан ўтказилган бўлса, 49 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 26 тани ташкил этди.

Президент Шавкат Мирзиёев Конституциявий суд фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, фуқароларнинг конституциявий одил судловга бўлган ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда тизимни рақамлаштиришга қаратилган муҳим ислохотларни амалга оширмоқда. Масалан, янги даврда Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган янги институтлар белгиланди. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳамда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмени) ушбу ҳуқуққа эга бўлди.

Ёки бўлмаса, мурожаат қилиш тизимининг соддалаштирилиши жараёnlарида бюрократияни камайитиш талабини олайлик. Бу борада фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш тартиблари соддалаштирилган таҳсинга лойиқдир.

Бундай қўлайлик жисмоний ва юридик шахслар учун алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Миллий марказ Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан фаол фойдаланмоқда ва бир қатор ташаббуслар билан чиқди.

Миллий марказ қонун ҳужжатларини тайёрлаш, эксперт жиҳатдан баҳолаш ва такомиллаштиришга йўналтирилган мулоҳазалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш жараёнида ҳам фаол қатнашаётганини айтиб ўтиш жоиз, деб ҳисоблайман.

Энг асосийси, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ва уларни чеklang масалалари бўйича қонун лойиҳалари Миллий марказ билан мажбурий равишда келишилади. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, шу жумладан, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири – инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажаришда фаол ва бевосита иштирок этиш, идоралараро ҳамкорлик қилиш ҳисобланади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Янги Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларда фаол иштирок этмоқда, бу борада хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Кейинги ўн йилда мамлакатимиз жаҳон сиёсатида бошқаларнинг ортидан эргашадиган ташаббусси объект ҳолатидан дадил чиқиб олди. Янада эътиборлики, дунёда кескин геосиёсий ўзгаришлар юз бераётган бутунги мураккаб шароитда Янги Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда иқлимни муҳофаза қилиш, «яшил» иқтисодиётни жорий этиш, фуқаросизликка барҳам бериш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш каби турли соҳаларда янги гоа ҳамда лойиҳаларни тақдим этаётган жаҳон сиёсатининг фаол актори ҳисобланади.

Эътибор беринг: Мамлакатимиз БМТнинг фуқаросизлиқни бартараф этиш бўйича тавсияларини бажариш борасида тарихий ютуққа эришди. Гап шундаки, 1991 йилдан 2016 йилгача бор-йўғи 482 киши Ўзбекистон фуқаролигини олган бўлса, 2017 йилдан 2026 йилгача 85 мингдан ортиқ киши Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлди. Бу кўрсаткич мамлакатимиздаги инсонпарвар сиёсат жамиятининг ҳамма қатламларини қамраб олишга ва инсон кадр-қимматини том маънода ҳурмат қилишга қаратилганини баралла намойён этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ва унинг махсус тартиб-таомиллари билан фаол ҳамкорлик давом этмоқда. Ўзбекистон БМТнинг турли органлари тавсиялари асосида **«Титта миллий ҳаракат режасини»** ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

Янги Ўзбекистонда амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар самаралари туфайли мамлакатимизнинг халқаро

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 35 йиллигига



майдондаги нуфузи тобора юксалмоқда. Бу ютуқларимизга муносиб ҳисса қўшган муҳим омиллардан айримларига мухтасар тўхталишни лозим топдим.

Биринчидан, Ўзбекистон миллий давлатчилиги тарихида илк бор 2020 йил 13 октябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида бўлиб ўтган сайловларда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига уч йил муддатга – 2021-2023 йилларга сайланди.

Иккинчидан, 2024 йил 7 июнь куни Женева шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро меҳнат конференциясининг 112-сессиясида Ўзбекистон илк маротаба Европа ҳудудидан энг қўп овоз тўплади ва Халқаро меҳнат ташкилоти Маъмурий кенгаши аъзолигига сайланди.

Учинчидан, 2024 йил июнь ойида 2025-2027 йиллар учун БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши аъзолигига ўтказилган сайловда Ўзбекистон 185 мамлакат томонидан қўллаб-қувватланиб, ЭКОСОСга сайланди. Мамлакатимиз ўз тарихида илк бор ушбу тузилмага аъзо бўлди. Бинобарин, БМТ доирасида барқарор ривожланишнинг барча уч йўналиши – иқтисодий ва ижтимоий соҳалар, шунингдек, атроф-муҳитни

ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда ЭКОСОС муҳим ўрин тутди.

Тўртинчидан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 3 мартда очилган 143-сессияси ишида илк бор Ўзбекистон вакили – БМТнинг ушбу нуфузли органи таркибига 2025-2028 йиллар даврига сайланган академик А. Саидов иштирок этгани жамиятимиз ва давлатимиз учун ушбу сессиянинг алоҳида аҳамиятини кўрсатди. Бутунги кунда Ўзбекистон вакили Қўмита ишида фаол қатнашмоқда.

Бешинчидан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастури ва Миллий таълим дастурини амалга ошириш доирасида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, таълим жараёнининг барча босқичларида инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув қўрсларини жорий этиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бутунги кунда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастури бутун дунё миқёсида изчил амалга ошириб келинмоқда. Ушбу халқаро ташаббуснинг навбатдаги – бешинчи босқичини Ўзбекистонда самарали жорий этиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни янада ривожлантириш ва аҳолининг, хусусан, ёш авлоднинг бу борадаги ҳуқуқий онгини шакллантириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташаббуси билан 2026 йил 3 мартда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Миллий марказ томонидан шу асосда жорий йилнинг ўтган даврида «Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик» мавзусида мамлакат миқёсида – Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 14 та семинар-тренинг ташкил этилди. Ушбу машғулотларда жоилардаги ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича маҳалла фуқаролар йиғинлари профилактика инспекторлари – жами 5 минг 255 нафар тингловчи иштирок этди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри, Тошкент, Бухоро ва Хоразм вилоятларида «Қийноққа солишга қарши курашни» мавзусида ўқув курслари ўтказилди. Бу машғулотларда 4 та ҳудуддан жами 268 нафар суд, прокуратура ва ички ишлар тизими ходими қатнашди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим, ахборот тарқатиш, ҳуқуқий маданиятни оширишда ва халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашда Миллий марказнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-кутубхона маркази — «Инсон ҳуқуқлари уйи» Марказий Осиёда ягона ва муҳим платформа вазифасини бажармоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 15 та резолюция қабул қилинди. Бу ҳақда сўз борганда, Бош Ассамблея 2026 йил июлида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан «Ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги резолюцияни қабул қилганини таъкидлаш лозим.

Мазкур ҳужжатга дунёнинг барча минтақаларини ифодаловчи БМТга аъзо 61 давлат ҳаммуаллиф бўлди. Бу Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожланиш, Барқарор ривожланиш мақсад-

ларига эришиш ва парламент дипломатиясини ривожлантиришга қаратилган ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини тасдиқлайди.

Бу ҳужжат Ўзбекистоннинг парламент ролига оид биринчи ташаббуси эмас. Бундан аввал, 2022 йил 14 декабрда ҳам БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ташаббуси билан «Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги махсус резолюция қабул қилинган.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ГАЛДАГИ ҲИМОЯСИ – АЙНАН ИНСОННИНГ ЎЗИ!

Миллий марказ ҳузурида Жамоатчилик кенгаши иш олиб бормоқда. Бу борадаги фаолиятни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августда қабул қилинган «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони катта аҳамият касб этди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари ҳам ўз самараларини бермоқда. Бу ўринда Миллий марказ биринчи навбатда болалар, ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф гуруҳларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат бериш-эксперт тадбирларини амалга ошираётганини қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Миллий марказнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги ахборот-маърифий фаолияти ҳақида тўхталганда, аввало, кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим ва маърифий ишлар тизими шакллантирилганини таъкидлаш айтиш мумкин. Бутунги кунда юртимизда ҳуқуқ ҳимояси мавзусида йигирмадан зиёд ихтисослаштирилган журнал ва газеталар чоп этилмоқда. Барча мактаб, коллеж ва лицейларда, олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ўрганилмоқда.

Хусусан, Миллий марказ муассислиги ва ҳаммуассислигида «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» ҳамда «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журналлари мунтазам нашр этилмоқда. Марказ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича китоблар, илмий-оммавий рисоалар, халқаро ҳужжатлар тўпламлари, халқаро конференциялар материалларини чоп этиш йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда 2020 йилдан бошлаб 10 декабрь – Халқаро инсон ҳуқуқлари куниди «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун» кўкрак нишонни фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органларининг фаол вакилларини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги хизматлари учун рағбатлантириш мақсадида топиштирилмоқда. Ўтган даврда ушбу мукофот билан 88 нафар ҳамюртимиз ва хорижий ҳамда халқаро ҳамкорларимиз, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаол ташкилотлар тақдирланди.

Ўзбекистонда 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича қамровдор саъй-ҳаракатлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу йўлдаги барча интилишларимиз БМТнинг ҳар бир инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган «Ҳеч кимни унутмаслик ва ортда қолдирмаслик» асосий тамойилига мувофиқдир.

Эътиборли жиҳати шундаки, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига мос равишда, қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, адвокатура институтининг мавқеини кескин ошириш, малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва адлия тизимини такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Мазкур Стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга қаратилган янги чора-тадбирлар қабул қилинди.

Буларнинг барчаси бежиз эмас. Зотан, агар биз аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтиришга эришсак, бутун ечишимиз лозим бўлган қатор муаммолар ўз-ўзидан бартараф этилиши ва ҳатто юзага келмаслиги йўлида катта ишни бажарган бўламиз. Зеро, инсон ҳуқуқларининг биринчи галдаги ҳимоячиси айнан инсоннинг ўзидир!

Шундай қилиб, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «яхши яшаш учун, энг аввало, яхши меҳнат қилиш, ҳуқуқ ва эркинлик билан бирга, жавабгарлик ва масъулиятни ҳам чуқур ҳис этишимиз зарур. Бунга эришиш эса, фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ».

Мустақил давлат сифатида бо-
сиб ўтилган 35 йил Янги Ўзбекис-
тон тарихида улкан ўзгаришлар
даври ўлароқ муҳрланди. Бугун
эса ислохотларнинг ҳақиқий са-
мараси одамлар ҳаёти, маҳалла ва
оиладаги ўзгаришлар билан то-
бора аниқроқ наноён бўлмоқда.
Миллий банк тизимида кечаётган
янгилишларнинг мазмунини худди
шу мезон билан ўлчанмоқда.
Давлатимиз раҳбари илгари сур-
ган «Инсон қадри учун» тамойи-
ли иқтисодий ислохотлар мар-
казига инсон манфаатини олиб
чиқди. Банк тизими олдидаги
вазифа энди молиявий кўрсат-
кичларни яхшилаш билан чеклан-
майди. Энг асосийси, давлатимиз
раҳбари илгари сурган «Инсон
қадри учун» деган тамойил барча
ислохотларимизнинг негизини
ташkil этаётгани, «Инсон-жами-
ят-давлат» деган янги тизим тў-
лиқ ишга тушганига гувоҳ бўл-
моқдамиз.

**МАҲАЛЛАДАГИ
ИМКОНЯТ – ИҚТИСОДИЁТНИНГ
ЎСИШ НУҚТАСИ**

Жорий йил 16 июль куни
бўлиб ўтган видеоселек-
тор йўналишида давлати-
миз раҳбари маҳалларда кичик
лойиҳалар учун банклар томонидан
олти ойда 18,5 триллион сўм ресурс
ажратилгани, натижада 110 мингта
микролойха амалга оширилиб, 259
минг нафар инсон иш билан таъ-
минланганини қайд этди. Шу билан
бирга, айрим маҳаллаларда мавжуд
имкониятлардан ҳали тўлиқ фойда-
ланилмаётгани танқид қилинди.

Шу боис маҳалла банкири инсти-
тутининг мазмунини ҳам ўзгармоқда.
Банк ходими учун қанча кредит бер-
дик, эмас, балки қанча иш ўрни яра-
тилди, қанча оила даромадли бўлди,
қайси маҳалланинг қай имконияти
иқтисодий лойиҳага айланди, де-
ган саволлар устувор аҳамият касб
этиши керак.

Бундай ёндашув мамлакатим-
изда амалга оширилаётган иқтисод-
ий ислохотларнинг инсон манфаа-
тига йўналтирилганини яна бир бор
намоён этади.

Ўзбекистон Республикаси Пре-
зидентининг ташаббуси ҳамда те-
гишли қарорлари билан «Бизнесни
ривожлантириш банки» АТБ қайта
ташkil этилгандан сўнг банкмизи-
нинг асосий фаолият йўналиши
мамлакатимизда кичик бизнесни
ривожлантиришга қаратилди. Бу бо-
рада илгари кузатилмаган лойиҳа
ва хизматлар ишлаб чиқирилиб, ми-
жозларга таклиф этилмоқда. Бу бо-
радаги фаолият маҳалла, маҳалла
орқали хонадон даражасига туши-
рилди.

«Бизнесни ривожлантириш
банки» АТБ қайта ташkil этилган,
унинг устувор фаолият йўналишлар-
идан бири кичик бизнесни ривож-
лантириш этиб белгиланди. Шу
асосда янги молиявий маҳсулот ва
хизматлар ишлаб чиқирилиб, тадбир-
корларга таклиф этилмоқда.

Бугун банк деганда кредит, омон-
нат ёки ҳисобварақнинг ўзи тушу-
нилмайди. Замонавий банк ми-
жознинг вақти, эҳтиёжи ва имкония-
тини ҳисобга оладиган хизматлар
тизимига айланмоқда. Бу эса жамоа-
миздан янги технологияларни эгал-
лаш, иш жараёнларини соддалашти-
риш ва ми-жоз учун қулай ечимлар



БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ – ЮРТ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

яратишни талаб этмоқда.

Бир неча йил аввал оддий ҳисобва-
рақ очиб учун ҳам филиалга бориш,
ҳужжат топшириш ва навбат кутиш
одагий ҳол эди. Рақамли технология-
лар бу жараёни кескин ўзгартирди.
Банкми-жизда ҳисобварақ очиб
70 дақиқадан 10 дақиқагача қисқар-
тирилди, энг оммабоп хизматлар-
дан бири бўлган кредит маҳсулот-
ларининг 60 фоизи автоматлашти-
рилди. «BRB Biznes 24/7» орқали эса 16
мингдан ортиқ ми-жозга масофавий
хизмат кўрсатилмоқда.

Бу ўзгаришларнинг энг муҳим
натijasи технологиянинг ўзида
кўринмайди. Асосий ютуқ – одам-
нинг вақти тежалаетгани, банк хиз-
мати унга янада яқин ва қулай бўла-
ётганида.

**БАНК МАҲАЛЛАГА
ЯҚИНЛАШМОҚДА**

Янги Ўзбекистонда иқтисодий
ислохотларнинг муҳим хусу-
сиятларидан бири уларнинг
тобора қуйи бўлинига, маҳаллага ту-
шаётганидир. 2026 йилнинг «Маҳал-
ла» ривожлантириш ва жамиятни
юксалтириш йили» деб эълон қи-
линиши ҳам аҳолининг реал даро-
мадларини ошириш, турмуш ша-
роитини яхшилаш ва маҳалланинг
ички имкониятларини ишга солиш
вазифалари билан уйғун.

Президент Шавкат Мирзиёев-
нинг 16 июль куни маҳаллаларни
ривожлантириш ва маҳалла етти-
лиги фаолиятини янгича ташkil
этиш бўйича ўтказган видеоселек-
тор йўналишида банклар олдида ҳар
бир маҳалланинг «Ўсиш нуқтаси»ни
аниқлаш, ташаббускорларни топши
ва даромадли лойиҳаларни кўпай-
тириш вазифаси қўйилди. Битта
маҳалла банкирига кўпи билан учта
маҳалла бириктирилиши белги-
ланди.

Шундан келиб чиқиб, «Бизнесни
ривожлантириш банки»га бирикти-
рилган 610 та маҳаллада фаолият
юритаётган маҳалла банкирлари
сони қисқа вақтда 160 нафардан 218
нафарга етказилди.

Маҳалла банкирининг вази-
фаси ҳам кенгайди. У худуддаги иш
ўринлари ва уларга бўлган талабни
ўрғанади, ишсиз фуқароларни за-
рур касбларга йўналтириш ва ишга
жойлаштириш жараёнида иштирок
этади. Банк ми-жознинг ўзи келиб

мурожаат қилишини кутиб ўтириш
ўрнига, унинг эҳтиёжини олдин-
дан ўрганишга, гоёсини лойиҳага
айлантиришга ва молиявий ечим
таклиф этишга интилади. Пирова-
рдида, «банкдан кредит олиш» ту-
шунчаси ўрнини аста-секин «банк
билан бирга бизнес қилиш» ёнда-
шуви эгалламоқда.

**РАҚАМЛАР ОРТИДА –
РЕАЛ НАТИЖАЛАР**

«Бизнесни ривожлантириш
банки» томонидан амалга оширила-
ётган ишлар бу ёндашувнинг даст-
лабки натижаларини ҳам кўрсат-
моқда. Банк таҳлилларига кўра, 2023
йилдан 2026 йил 1 майгача бўлган
даврга 56 минг 210 та янги кичик ва
ўрта бизнес субъекти ташkil этили-
шида банк бевосита иштирок этган.
Уларнинг 45 минг 383 таси, яъни 80,7
фоизи бугун иқтисодий жиҳатдан
фаол корхона сифатида ишламоқда.

Янги ташkil этилган бизнес
субъектларининг 29 минг 493 таси
банк томонидан тўғридан-тўғри мо-
лиялаштирилган. Уларга ажратил-
ган маблағларнинг умумий ҳажми 6
триллион сўмдан ошди.

Бу рақамларнинг ҳар бири ор-
тида янги тадбиркор, иш ўрни, оила
даромади ёки бозорга кириб келган
янги маҳсулот бор.

Бундан ангалишладик, давлат
раҳбари бошчилигида тизимда ҳа-
ётга татбиқ этилаётган ислохотлар
натijasида, замонавий банк хиз-
матларининг ҳақиқий самарасини
фақат транзакциялар сони ёки ажра-
тилган кредит ҳажми билан эмас, у
инсон ҳаётида қандай ўзгариш яса-
гани билан баҳолаш тобора муҳим
бўлиб бормоқда.

**ТЕХНОЛОГИЯ –
ИНСОН УЧУН ВОСИТА**

Замонавий банк хизматларини
технологияларсиз тасаввур қи-
ла бўлмайди. Сунъий интел-
лект, автоматлаштириш ва рақамли
платформалар молия соҳасининг
ажралмас қисмига айланмоқда.

Биз учун эса ҳар қандай янги те-
хнологиянинг қиймати унинг қанчалик
мураккаб экани билан ўлчанмайди. У
ми-жозга қанчалик тез, қулай ва аниқ
хизмат кўрсатиш имконини бериши
муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда банкда сўнгги давр-

да 65 га яқин янги маҳсулот ва сер-
вис ишга туширилди. «BRB Neo»,
«Talism.brb.uz», «BRB Biznes 24/7»
каби рақамли ечимлар, онлайн омон-
натлар ва автоматлаштирилган кре-
дитлаш механизмлари шулар жум-
ласидан.

«Менинг бизнесим» платфор-
масида 54 минг нафар тадбиркор
рўйхатдан ўтиб, 45 та касб-хунар
йўналишида хизмат кўрсатишини
бошлаган. Платформа орқали ўзини
ўзи банд қилиш, онлайн буюртма-
лар қабул қилиш, электрон меҳнат
дафтарчаси ва пенсия ҳисобва-
рагини автоматик шакллантириш
имкониятлари яратилган.

Яқинда корпоратив ми-жозлар
учун мўлжалланган «BRB Biznes
24/7» платформаси Дибанк хизмати
билан интеграция қилинди. Энди
ми-жозлар асосий банк операцияла-
рини интернет-банкка алоҳида кир-
масдан, бевосита «1C» ёки «Didox»
ҳисоб тизимлари орқали амалга
ошириши мумкин.

Жумладан, тўлов топшириқнома-
лари ва иш ҳақи рўйхатларини юбо-
риш, ҳисобварақ кўчирмалари ва
жорий қолдиқларни олиш, тўловлар
ҳолатини кузатиш, тушум ва чиқим-
ларни бухгалтерия ҳисобида авто-
матик акс эттириш ҳамда ҳужжат-
ларни электрон рақамли имзо билан
тасдиқлаш имконияти яратилди.

Рақамлаштиришнинг биз учун
энг муҳим натижаси оддий: те-
хнология одамнинг ишини енгил-
лаштириши керак.

**СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ:
БАНК ХИЗМАТЛАРИДА
ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР**

Банкда сунъий интеллектга
асосланган 20 дан ортиқ лойи-
ҳа устида иш олиб борилмоқда.
Уларнинг бештаси амалиётга тўлиқ
жорий этилган.

Бизнес-режа тайёрлашда сунъий
интеллектдан фойдаланиш шулар-
дан бири. Тизим тадбиркор тақ-
дим этган маълумотлар асосида
бизнес-режани автоматик шакл-
лантиради. Натijasида аввал 2-3 кун
талаб этган жараён 5 дақиқагача
қисқарди. Бугунга қадар ушбу им-
кониятдан фойдаланган 30 нафар юри-
дик шахсга 2,4 миллиард сўмлик
кредит ажратилган, дастлабки тек-
ширув босқичида вақтни 70 фоизга
тежалаша эришилган.

Реклама ўрнида



**Машхурлар
ҳаётидан**



10 СОНИЯЛИК ФИЛЬМГА СЦЕНАРИЙ

Бир куни машхур режиссёр
Федерико Феллини дўсти,
сценарийнавис Тонино Гу-
эрра билан баҳслашиб
қолади. Режиссёр унинг
атиғи 10 сония давом эта-
диган фильм учун сцена-
рий ёза олишига ишон-
майди.

– Ёзолмайсан, дўстим,
– дейди Феллини. – Бунинг
имкони йўқ.

Гуэрра елка қисади.
– Агар 12 доллардан
ажралишга тайёр бўлсанг,
кел, гаров ўйнаймиз, эр-
тага сенга шундай сцена-
рий ёзиб келаман.

Улар гаров боғлайдилар.
Узаро шартга кўра, сце-
нарийда кириш, кульми-
нация ва кутилмаган якун
бўлиши, буларнинг бари 10
сония ичига сиғдирилиши
керак эди.

– 12 долларни олиб кел-
дингми, Тони? – дейди эр-
таси куни Феллини туни
билан ухламаганидан
қўзлари қизариб кетган
дўстига қараб.

– Шошма, Федерико.

Сценарийни олиб келдим.
Тонино Гуэрра дўстига
бир парча қоғоз узатади.
Федерико уни ўқий бош-
лайди:

«Аёл телевизор кўр-
моқда. Экранда ракета-
нинг парвоз жараёни
тўғридан-тўғри эфирга
узатилмоқда. Тескари са-
ноқ бошланади: 10... 9...
8... Аёлнинг ҳаяжонга
тўла қиёфасини кўрамиз.
Охириги сонияларда у кў-
лига телефон гўшагини
олади ва рақам теради,
7...6...5...4...3...2...1. Ракета
кўтарилиши биланок у те-
лефон гўшагига қувонч би-
лан хитоб қилади:

«Бемалол келаверинг,
эрим учиб кетди!»

Феллини дўстига
жимгина 12 доллар уза-
тади. Чунки 10 сониялик
фильм учун ушбу сцена-
рийда ҳамма нарсa бор
эди.

Русчадан
Дилшодбек АСҚАРОВ
таржимаси

**Мароқли
дам олинг,
азиз газетхон!**

Шавкат Матёқубов ва
Гулзода Худойназарова

**«ЁДИМГА
ТУШИДИ»**
АЙТИШУВ

Дилда васлинг эрди, умри таманно,
Хаёлимни қилгил вақти томошо.
Ногоҳ ойинага боқиб, нигоро,
Маҳфу ҳайронларинг ёдимга тушиди.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi ISSN 2030-5002 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.	«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие») Bosh muharrir Husan ERMATOV «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan qaytarilishi mumkin.	Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73 Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati – (+998-99) 889-98-55 Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27 Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93	Navbatchi muharrir: Alijon ABDURAHMONOV Musahhihlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV Bosishga topshirilish vaqti – 00:30 Topshirildi – 01:00 Bahosi kelishilgan narxda Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.	Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz Nashr ko'rsatkichi: 133 Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.	Umumiy adadi 35 006 ta Shundan: 6 521 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda; 19 294 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 9 191 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taqob. Buyurtma: G-811 1 2 3 4 5 6
--	--	--	--	--	---